
Суғоришнинг самарали усули.

Бутун дунёда бўлгани каби юртимизда ҳам сувни тежаб ишлатиш муҳим аҳамиятга эга. Мавжуд сув ресурсларининг салмоқли қисми қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришга сарфланиши эътиборга олинса, бу беминнат неъматдан тежаб-тергаб фойдаланиш самарали усулдир. Шу мақсадда қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда сув тежовчи технологиялар жорий этилса, ҳосилдорлик ошиши билан бирга, сувни тежаш имконияти ҳам юзага келади.

Мамлакатимизда сув ресурсларидан фойдаланиш механизмларини тубдан ислоҳ қилиш, улардан оқилона ва самарали фойдаланишни таъминлаш, иқтисодиёт тармоқларида сув тежовчи технологияларни жорий этишни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, шунингдек, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

“Ўзагроинспекция”нинг Фарғона вилоят бошқармаси ва туман бўлими томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 25 октябрдаги “Қишлоқ хўжалигида сув тежовчи технологияларни жорий этишни рағбатлантириш механизмларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4499 - сонли қарори ижросини ўз вақтида ва сифатли таъминлаш юзасидан кенг қамровли тадбирларни бажариш бўйича туманда фаолият юритувчи қишлоқ хўжалиги корхоналари ва фермер хўжаликлари раҳбарлари ўртасида тушунтириш тарғибот ишлари олиб борилмоқда.

Ўтказиб борилаётган тушунтириш тарғибот давомида илгари иқтисодий жиҳатдан самарасиз ҳисобланиб, ҳар гектар ердан ўртача 10-15 центнердан ҳосил олинадиган майдонлардан, томчилатиб суғориш технологияси ўрнатилган ер майдонларидан ҳосилдорлик гектарига 35-40 центнерга тўғри келиб ҳосилдорлик ошишига, томчилатиб суғорилганда сув табиий усулдагига нисбатан 40-45 фоиз тежалади. Шунингдек, кимёвий ўғитлар марказлашган ҳолда ғўзанинг бевосита илдизига юборилиши боис ҳосилдорлик ҳам юқори бўлишлиги, оддий усулда пахта хом ашёси етиштирилганда мавсум давомида камида 12-15-маротаба культивация қилинса, томчилатиб суғоришда ғўзани культивация қилиш кескин камайиши, оддий усулда ҳар 5 гектар ерда бир нафар сувчи меҳнат қилса, замонавий инновацион технология орқали ҳар 30 гектар майдонда 1 нафар сувчи ишлашлиги, томчилатиб ва ёмғирлатиб суғоришнинг афзалликлари хусусида тушунтирилмоқда.

Кўрилган тадбирлар самараси ўлароқ, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини замонавий технологиялар асосида етиштирмоқчи бўлганлар сони тобора ортмоқда.

Томчилатиб суғориш ҳар жиҳатдан фойдали ва самарали эканлиги амалда ўз исботини топмоқда.

Шундай экан қишлоқ хўжалиги корхоналари ҳамда фермер хўжаликлари раҳбарлари томонидан замонавий инновацион технологиялар жорий этилса, сув ресурслари ва харажатларни тежаш баробарида кўпроқ даромад олишга замин ҳозирланган бўларди. Давлатимизнинг ўз тараққиёт йўли ҳам айнан шундан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси туман бўлими бошлиқ ўринбосари И.Жўраев

2022-07-07 21:14:36